



МАШИНА—ДЕХ ҚОННИНГ ДҮСТИ

ПАХТАЗОР ЛОЧИНЛАРИ

Термичилар тўғрисида гап борганда қўнча аёлларик тилга олишади. Биз эса бу сафар ўзининг шижоаткорлиги билан ҳаммага ўрнатиб, пахтазорда жавлон ураётган йигитлар тўғрисида ҳикоя қиламиз.

Пахталари чаман очилиб, момикдай тошиб киши кўзини қамаштирувчи қаргалар. Бу ерда иш қизиги. Бригадир ўртоқ Баҳром Юсупжонов пахтазорга завқ билан назар ташлар экан, Сарви Султонбоева, Холбуни Аҳмедова, Мақсула Абдушукрובה сингари термичиларнинг юзидан санаб кетди.

— Лекин очилгани айтиш керакки, — деди у. — Маъруф Бариев деган термичимиз уларнинг ҳаммасидан ўзиб кетаяпти. У ҳар кун 250—260 килограммга етказиб пахта термоқда. Кечанига теринга тушган эди у. Ҳозиргача терган пахта 4 тоннадан ошиб кетди.

Маъруф ака Бариев билан танишдик. Ўрта ёшлардаги, оддийгина, қамтар киши экан.

— Жуда ёшлгимдан теримда қатнашиб келаман, — дейди у. — Мавсумда кам деганда 10 тонна пахта теринга сўз берганман. Ҳозирги ғанимат қуларлар бундан тегиниб босмасан, албатта сўзимизнинг уйдасидан чиқолмаймиз.

Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Б. Юсупжонов бригадасида асосий ҳосил машинада терилмоқда. Шу билан бирга қўлда териш учун ажратилган пайкаларда ҳам меҳнат авжида. Маъруф ака Бариев сингари азаматлар кун сайин ғайрат қилиб хирмонинг кўтарилишига ҳисса қўшмоқдалар.

Шу райондаги Хрущев номи колхозда бўлганимизда бу ерда ҳам эркак термичилар ғайрат қилаётганликлари кўрдик. Улардан 150 киши ҳар кун 70—80 килограммдан пахта теришапти. Анвар Машрапов, Давлат Омонов, Юнус Йўлдошев, Абдували Нигматиллаев сингари ўртоқларнинг ҳар бири ҳозиргача 3—3,5 тоннадан пахта теришди.

Ҳа, колхоз даладарини айланиб юрсангиз, тоғин урса талқон қиладиган ёш-ёш йигитлар ва қизларнинг пахта тераётганлигини кўрасиз.

— Булар кимлар? — сўради йўлнинг чеккасидаги тоғ тегида хирмонга келтирилган пахталарни қабул қилиб олишга ёрдамлашадиган йигитдан.

Районимизнинг комсомол-ёшлари, — деб жавоб берди халқий йигит — район комсомол комитетининг инструктори ўртоқ Мақсуд Аҳмедов. — Ҳар йили оқтиришга кўра бу йил ҳам ёшлардан қўнчилар зарбдор бригада ташкил этганимиз. Дастлаб уларнинг сони 25 та борган эди. Ҳозирги кунга келиб 50 дан ошиб кетди. Уларнинг кучи билан ҳозиргача 20 тоннага яқин пахта терилди. Ҳар бир комсомол-ёш — кунига ўрта ҳисобда 50—60 килограммдан пахта тераяпти.

Пахтазор орадаб уларнинг ишини кузатдик. Ҳақиқатан ҳам колхозчи чеварлардек қаққонлик билан пахта теришга ялти азамат ёшлар. Фотомуҳбириниз Саттор Абдукаримов, Кастаев, Талъат Патиев сингари пахтазор қаҳрамонларининг суратини олди. Улар шунга лойиқ иш қилишапти. Ҳар кун 150—200 килограммга етказиб пахта теришади. «Ташавтомаш» заводидан келган бу ёшларини ҳар қанча мағнаса арзийди.

Ёшлар бригадасининг бошлиғи ўртоқ Остон Жалилов яна бир неча ёшларнинг номини айтди.

— Бу ерда, — дейди у, — район марказидаги ҳар хил қорхоналардан келган ёшлар бор. Айниқса «Ташавтомаш» заводининг ёшлари ўрнатиб бўлишапти. Улар 24 киши, ўтган ун кунликда уларнинг ҳар бири 50 килограммдан ошириб пахта терди. Шунингдек ядро физикаси институтидан келган комсомол-ёшлар ҳам пахтазорларга астойдил ёрдам беришмоқда.

Лекин беш қўл барабар эмас, деганларидек ўзини ҳар оҳанга солиб ҳўжақўрсинга пахта териб, қимматли вақтини беқор ўтказмаётганлар ҳам бор экан. Мана улар: Турсунқуллов, Надибуллоева, Арабалиева каби ўртоқлар. Улар кун бўйи пахтазор кезиб хирмонга атиги 10—15 килограмм пахта топиришар экан! Шу ҳам ёрдам бўлгани, бундай ёрдамнинг кинга кераги бор? Фурсат беқор ўтмасин, ўзинингнинг азамат дўстларинингдан ўрнатиб олиш. Бу хилдаги ёрдам билан ишончини оқий олмайсиз!

Ёшлар меҳнат қилаётган колхознинг 6-бригада аъзолари билан суҳбатлашдик.

— Раҳмат ёшларимизга, — деди бригадир Мухаммаджон ака. — Улар ҳар кун бригадасининг 1,5—2 тонна пахтасини териб беришапти. Қарс икки қўлдан чиқадиган, деганларидек ўзимиз ҳам ғайрат қилсак, ёшларимиз ҳам яна унумли меҳнат қилсалар, албатта етиштирилган «оқ олтин»ни ёғин-сочини қуларга қолдирмасдан йиғиштириб оламиз, планин муддатидан илгари бажарамиз.

Оржоникидзе районидagi ҳўжаликларда терим кун сайин ажл олмақда. Пахтазор кезганиз бунинг гувоҳи бўласиз. Эҳ хирмонига мумкин қадар кўпроқ пахта тўкишга аҳд қилган чевар қизлар, аёллар билан бирга пешонасини маҳкам тағиб «оқ олтин» тераётган йигитларини ҳам қўлаб урчатаёсиз. Вал, пахтазор лочинларига!

Н. РИХСНЕВ.



Суратда: (чапдан) комсомол ёшлар бригадасининг илгир теримчиларидан Талъат Фатеев, Гулсара Асқарова, Несанбой Кастаев. Алла Маркова ва Абдусаттор Абдукаримов ўртоқлар. А. Абалиев фотолари.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ҒАЙРАТИ

Пахталар бир текис очилган. Азамат колхозчилар ҳозирги дамларнинг ҳар соат, ҳар минутидан унумли фойдаланиб, терим суръатини кун сайин кучайтирмоқдалар. Мавсумда 10—15 тонна пахта терини аҳд қилган кўнчиларнинг қўнчиларнинг ғайрати янада қувончлидир.

— Ҳозирги кунларнинг бир кунини ёғин-сочини кунларнинг 10—15 кунига тўғри келди, — дейди колхознинг пешнадам теримчиси ўртоқ Турсунбой Облобердиева, — шунинг учун ғайрат қилишимиз керак. Менинг ўзим кунига 200—220 килограмм пахта термоқдам.

Турсунбой колхознинг чиньякам пешнадами. У далага ҳаммадан эрта чиқиб кеч қайтди. Унинг шу кунгача терган пахта 6 тоннадан ошиб кетди. Колхозда бундай чеварлар сафи кенгайиб бормоқда. Ш. Муртобоева, З. Тасина ўртоқлар хирмонга кунига 300 килограммга етказиб пахта тўкимоқдалар.

Биз колхознинг ўртоқ К. Маметов бошлиқ 2-бригадаси даладанмиш. Пахтазорда меҳнат авжида. Кечта томон натижа билан танишдик. Уша кун бу бригада йиллик планга нисбатан 4 процент пахта топиришди.

— Бу йилги аҳдими, — дейди бригадир ўртоқ Мамедов, — ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта топириш. Ҳозир планимиз 70 га етиб қолди, 15 октябргача албатта рапорт берамиз.

Даладарини айлансангиз бу ерда машина терими ҳам қизиги бораётганлигини кўрасиз. Колхозда шу кунларда ўндан ортиқ машина ишлаб турибди. Машиналар кун сайин хирмонга барака киритмоқда. Механизаторлардан Г. Хабибуллин, А. Орлов, А. Абдиев, Л. Васильев, М. Петрова ўртоқлар ўз бункерларидан 2,5—3 тоннадан пахта тўкимоқдалар. Уларнинг ҳар бири терган пахта 25—35 тоннадан ошиб кетди.

Ўрта Чирчиқ районидagi Карл Маркс номи колхоз аъзолари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб ана шундай меҳнат қилмоқдалар.

Колхозда бу йил 1420 гектар ерда пахта етиштирилди.

— Мақсадимиз — дейди колхоз раиси ўртоқ Абдуллаев, — ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта топириш иборат. Ҳозирги ҳамма ҳаракат шунга қаратилган. Бу йил машина теримга кенг йўлга қўйилиши билан бирга ҳосилни қоп-қанорси ташинишга ҳам катта аҳамият беришмоқдамиз. Ҳозиргача 1250 тонна пахта топиришди. Колхозимиз аъзолари 25 октябргача йиллик планин, 7 ноябргача эса мажбуриятни бажариш учун курашмоқда.

М. МИРЗАЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз муҳбири.



«Қизил Ўзбекистон» колхозининг 17-бригадаси механик ҳайдовчиларидан Убайдулла Шероф, Абдусаттор Абдукаримов ва Шамис Тўлаганов ўртоқлар бу йил хирмонга 150 тоннадан «оқ олтин» тўкишга сўз берган. Ҳозир улар бошқараётган агрегатларнинг бунеридан кунига 4,4,5 тоннадан пахта тўкилмоқда. Суратда: бригадада машина терими пайти.

ВАЛЕНТИН ТЮПКОНИНГ ЯНГИ ТАЖРИБАСИ

ҲАММА ИШ—МАШИНАДА

ЯНГИНҲҲЛ (ЎзТАГ). Мамлакатнинг дондор механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Тюпко Ўрта Осиё машина синиш станцияси участкаларидан бирида ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта терди. Ўзгачадан кўсакларнинг саксон процентидан кўпроғи очилган.

Валентин Тюпко қатор оралари бир метр кенликдаги далада ҳосилни бир қаторли агрегатда термоқда. У бир кунда тўрт ярим тоннагача пахта терди. Звенонинг меҳнати куйидагича ташкил қилинган. Валентин Тюпко пахта терди, унинг шериги Отаманов Ориқов эса пахтани учта прицепда тайёрлаш пунктига ташиди.

Валентин Тюпко бу йил пахта теримда янги тажриба ўтказмоқда. Биринчи ва иккинчи теримни пахта териш агрегатлари ёрдамида ўтказиш, учинчи теримни ва кўрак теришини бир операция қилиб ўтказиш мўлжалланди. Бу операция «СКО-4» маркали сараловичи бўлган тўрт қаторли янги кўрак териш машинасида бажарилди.

Новотерининг планида тўкилган пахтани йиғиб олишдек кўп меҳнат талаб қиладиган ишда янги осма пневматик подборшчкни бил,

ринчи марта қўлланиш кўзда тутилди.

Дастлабки ҳисобларга кўра, янги тажриба ўтказилиши зvenoда пахта теримда меҳнат сарфлашини камида эллик процент қисқартириш имкониятини беради. В. А. Тюпко Октябрьда вахта сўзида туриб, юксак мажбурият қабул қилди: ўттиз саккиз гектар майдонинг ҳар гектаридан қирқ центнердан пахта топиришига, бир центнер пахта етиштириш учун сарфланадиган меҳнати олти киши-соатгача камайтиришга, бир центнер пахтанинг таннархисини эса олти сўмгача пасайтиришга, яъни ўтган мавсумдагига нисбатан 81 йилги арзон қилишга ваъда берди. Ҳар бир ишчига ҳисоблаганда 780 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилинди. Бу эса республикадаги ўртача кўрсаткичларга нисбатан ўн уч барабар ортиқдир.

„ОҚ ОЛТИН“ ТЎҒРИ ҲИСОБГА ОЛИНСИН

Ўтган йили област прокуратура органлари томонидан аниқланган баъзибир фактлар шунини кўрсатдики, баъзи тайёрлов пунктларига ҳар хил йўллар билан кириб олган нисфосиз ишларлар контроллинг йўқлигини фойдаланган пахтани қабул қилиб олишда ҳосилнинг бир қисмини йиғириб қолди. Жумладан Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ районларидаги тайёрлов пунктларида шундай ҳолатлар рўй берди. Уларнинг айби очиб ташланди ва айбдорлар жиноий жавобгарликка тортидди.

Бу йил ана шундай ҳолатларнинг рўй бермаслиги учун прокуратура органлари зарур тадбирларни кўрдилар. Жамоатчилик ва мутахассислар жалб этилиб, барча районларда ҳосилни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш, ҳисоблаш ва қайта ишлаш устидан контроллинг кучайтирилди.

Лекин текшириш шунини кўрсатдики, областнинг кўпгина колхоз ва совхозлари, тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш заводларида пахтани қабул қилиб олиш, ҳисоблаш ва қайта ишлаш вақтида жиддий хатоларга йўл қўйилмоқда. Пунктларга жўнатилаётган пахталар одатда тортиб олинмаётган. Унинг миқдори тахминан белгиланб қўйилмоқда.

Янгиер районидagi 1-ва 2-«Воєв» совхозлари, Гулистон, Сирдарё, Юқори Чирчиқ ва бошқа бир қатор районлардаги колхоз ва совхозларда ана шундай фактлар аниқланди.

Шунингдек таразудан уриб қоллиш, пахтанинг намлик ва инфлюидлик даражасини ортириб кўрсатиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Ўрта Чирчиқ районидagi Қумовул пахта тайёрлаш пунктларини товароведи ўртоқ Аҳмедов «Полярная звезда» ва Охунбобоев номи колхозлардан келтирилган пахтани қабул қилиб олиш вақтида 72 килограмминини уриб қолган. Шу йилнинг 17 сентябиди Сирдарё районидagi Охунбобоев номи колхоздан келтирилган пахта намлиги ва инфлюидлик даражаси ошириб кўрсатиш йўли билан 979,5 килограмми, шу райондаги Ленин номи колхоз пахтасини эса 1007 килограмми уриб қолган.

Янгиёул районидagi Шўрәлисой ва Янгиер, Пискент, Гулистон районларидаги пахта пунктларида ҳам ана шундай хатти-ҳаракатлар борлиги аниқланди. Айбдорлар устидан жиноий иш қўзғалди ва улар яқин вақт ичиде судга берилмади.

Юқори Чирчиқ районидagi Жумабозор, Янгиер районидagi «Ховос» пахта пунктларининг лаборантлари анализ учун намуна

КЎПМИНГКИЛОГРАММЧИЛАР ҲАРАКАТИГА ҚЎШИЛИБ

Чиноз районидagi «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Турғун Нортоев бошлиқ бригадасида кўпмингкилограммчилар ҳаракати кенг қулоқ ёймоқда. Бригададаги 50 аъзодан 30 киши мавсумда 10-15 минг килограммдан пахта теришга аҳд қилди.

Ўртоқ Уятмхон Каримова колхозининг пешнадам термичиларидан ҳисобланади. У 15 тонна пахта теришга сўз бериб, ҳар кун хирмонга 230 килограммдан «оқ олтин» тўкимоқда. Ўртоқ Каримова ҳозиргача 5000 килограмм пахта терди.

Уятмхоннинг садошлари Турсунбой Рустамов, Холжон Достонова ва Мухаббат Тешабоева ўртоқларнинг ҳар бири 180-200 килограммдан пахта териб хирмонга тўкаётди.

Кўпмингкилограммчилар ҳаракати самарали натижа бераётди. Йиллик план 40 процентга аққиллашди. Бу ерда йиллик планин келгуси ойда ва 105 гектарлик майдонинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиш мажбуриятини Улуғ Октябрьнинг 45 йиллиги кунини — 7 ноябргача бажариш учун социалистик мусобақа кучайтирилди.

Пахта йигим-терими Карл Маркс номи колхозда ҳам кўпмингкилограммчилар ҳаракати асосида ташкил қилинган. Колхознинг Абдуразақов Умаров, Эргаш Сетиболдиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ишлаётган Нори Имомова, Хосият Жўрахонова, Мубор Исмоилова, Абдуҳалиқ Жўраев ўртоқларнинг ҳар бири 150-180 килограммдан пахта териб, ўз нормасини 2—2,5 барабар адо этаётди.

У. ПАРДАБОВ,
У. КАРИМОВ.

МАРРА ЯҚИН

Ўткир Эшбоев Охангарон районидagi «Тошкент» наслчилик совхозини комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи. У илгари совхозда бухгалтер бўлиб ишларди. Бу йил эса ўз хоҳиши билан биринчи марта бригадирлик қилаётди. Бригада аъзолари 60 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 13 центнер ўрнига 25 центнердан «оқ олтин» топириш мажбуриятини олишган. Бунинг учун илк баҳордан тер тўкиб меҳнат қилинди. Мажбуриятни қоплайдиган мўл ҳосил етибди.

Мана, Эшбоев ҳар кунгидек бугун ҳам чамандек очилган пахтазорини хурсанд айланаркан қўнчилар қиз ва йигитларнинг рағбатини кўпайтиришга эришди. Теъдда улар этак боғлаб эгиз оралиқ қўнчилар бўлиб-бўлиб очилган чанокларга етиб югуради, гўёа тулпариди «оқ олтин»ларни дам юқоридан пахта, дам пастандан юқорига қараб териб чиқарди.

Кўп ўтмай бир гуруҳпа термичилар бонччалардан олдинлаб кетишди. Булар Ҳайит Сулаймонова, Маржон Абдурахмонова, Тошқул Довронова, Турсун Йўлдошева, Зиллол Жумабоевалар эди. Барчинини Бердиалиева, Руқия Мавлоновалар илгирларнинг изидан боришарди.

Ҳадемай этаклар, кейин қоп-қанорлар пахтага тўлди. Бригада терилган пахталарни қабул қилишга тушди. Ҳайит опа билан бир қаторда қўнча пахта терганларнинг чоп-қанорлари тушгача 80—100 килограммдан тош босди.

— Ғайратларингизга қойилми, — деди Ўткир Эшбоев, — агар ана шу жадаллик билан ишлай-версак ҳар кун йиллик планиннинг 3—4 процентига етказиб ҳосил топираверамиз.

Бригадада терим авжида. Комсомол-ёшлар пахтазорлардан биринчи теримда ҳам гектар ердан 9 центнердан «оқ олтин» йиғиб олади.

— Биз, — дейди бригадир Улуғ Октябрь революциянинг байрами шарафига меҳнат қилиб пахта тайёрлаш планини ошириб бажаришга бел боғлаганимиз. Марра яқин. Унга тарақ етиш учун ҳаракат қилаймиз.

С. МУҲИТДИНОВ.



4 ОКТЯБРГАЧА

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Ишлаб чиқариш бошқармалари	Бир кунда	Мавсум бо-шланг бери	Машина терими		Қоп-қанор-сиз ташин
			Бир кунда	Мавсум бо-шланг бери	
Тошкент	2,27	51,09	3,48	24,45	70,0
Янгиёул	2,76	45,93	3,33	33,61	51,3
Чирчиқ	2,14	35,37	2,00	19,54	42,3
Янгиер	1,74	26,42	1,68	12,66	32,4
Сирдарё	1,30	21,27	1,56	14,11	28,0
РАЙОНЛАР					
Юқори Чирчиқ	2,39	60,00	0,74	27,14	50,6
Куйи Чирчиқ	4,02	58,45	6,30	73,70	58,1
Оржоникидзе	2,19	48,97	3,43	24,45	68,4
Ўрта Чирчиқ	2,36	44,42	3,10	35,18	50,8
Чиноз	2,88	43,37	2,07	18,75	56,1
Янгиёул	2,39	38,41	2,74	17,22	45,9
Пискент	2,24	36,43	1,98	13,15	41,7
Бўна	2,05	32,46	1,33	14,78	45,3
Бекобод	1,72	28,62	1,24	10,66	33,3
Оқўртгон	1,88	26,64	1,55	12,45	31,4
Янгиер	1,75	24,53	2,00	14,14	31,1
Сирдарё	1,39	23,75	2,26	19,18	31,6
Комсомол	1,41	22,58	0,96	10,13	29,8
Гулистон	0,99	15,18	1,16	10,73	18,5
ОБЛАСТ ҲАҚИҚАТИ					
1,98	32,74	2,03	18,57	39,4	

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 5 ОКТЯБРЬ, 1962 ИЛ.

